



TRANSLATION UNITS IN TEXT TRANSLATION

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10142918>

Israilova Nigorakhan Khudaberdievna

*ADChTI, Theory and practice of the German language
teacher of the department*

ANNOTATION

This article describes the translation units and their types in the translation of text, and mainly analyzes the tiers of phonemes, morphemes, words, phrases, sentences and text tiers.

Key words

text translation, translation units, phoneme tiers, morpheme tiers analysis, sentence tiers, text tiers, transcription, transliteration.

МАТН ТАРЖИМАСИДАГИ ТАРЖИМА БИРЛИКЛАР

Исраилова Нигорахон Худабердиевна

*АДЧТИ, Немис тили назарияси ва амалиёти
кафедраси ўқитувчиси*

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада матн таржимасидаги таржима бирликлар ва уларнинг турлари ҳақида баён этилган бўлиб, асосан, фонема, морфема, сўз, сўз бирикмаси, гап ва матн яруслари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар

матн таржимаси, таржима бирликлари, фонема яруси, морфема яркси, гап яруси, матн яруси, транскрипция, транслитерация.

АННОТАЦИЯ

В этой статье описываются единицы перевода и их типы при переводе текста, и в основном анализируются ярусы фонем, морфем, слов, фраз, предложений и ярусы текста.

Ключевые слова

перевод текста, единицы перевода, ярусы фонемы, ярусы морфемы анализ, ярусы предложения, ярусы текста, транскрипция, транслитерация.



Таржимадаги таржима бирликлари муаммолари энг мунозарали масалалардан ҳисобланиб, бу масалага турли қарашлар мавжуд. Айрим олимлар умуман таржима қилиш бирликларини инкор этишса, баъзилари таржима қилиш бирликларини қандай бирликларга асосланиб ечиш керак деган мулоҳазаларни илгари сурдилар. Таржима қилаётган тилга бўлган муносабатданми ёки хорижий тилданми, бу фикр муҳимдир. Таржима бирликлари деганда таржима қилаётган тилдаги матндан келиб чиқиб, тилда муқобил вариантлар танланади. Таржима бирликлари бу энг кичик тил бирликлари ҳисобланиб, таржима қилинаётган тилдаги бирликни хорижий

тилдаги муқобил тил бирлигига мос келишлигидир.

Ҳозирги замон тилшунослигида қуйидаги тил иерархиялари мавжуд бўлиб, улар қуйидагиларга бўлинади:

1. Фонема яруси.
2. Морфема яруси.
3. Сўзлар, лексика яруси.
4. Сўз бирикмалари яруси.
5. Гаплар яруси.
6. Матн яруси.

Бу ярусларга мос ҳолда таржимада ҳам таржима бирликлари мавжуддир: булар фонема, морфема, графема, лексика, сўз бирикмалари, матн ва гаплардир.

Матн таржимасидаги фонема (Графема) яруси. Фонема мустақил маънога эга бўлмасда, у маънони фарқлаш хусиятига эгадир. Таржима амалиётида фонемалар артикуляция ва акустик жиҳатдан мос келувчи графемалар орқали таржима қилинаётган тилга ўгирилади, Масалан немис тилидаги атокли отларни ўзбек тилига ўхшаш фонемалар ёрдамида бериш мумкин: Хайнрих - Heinrich, Гёте - Goethe в.б.

Таржима тил ва таржима қилинаётган тил ўртасидаги ўхшаш фонемалар орқали қилинган таржима транскрипцион таржима деб юритилади.

Агар турли ёзувга эга бўлган тилларда графемалар иккала тилда ҳам мос келса биз бундай таржимани транслитерацион таржима деб юритамиз (ёки орфографик мос келишув).

Масалан, немис тилидаги Schröder атокли оти ўзбек тилига Шрёдер деб ўзбек тилидаги графемалар орқали берилса, демак биз бу сўзни транслитерация қилган бўламиз. Амалиётда таранскрипция ва транслитерация катъий фарқланмайди, кўп ҳолларда бу иккила тушунча ҳам алмаштириб юборилади. Масалан, инглизча Newton сўзининг ўзбекча



Ньютон (рус тили орқали) шаклида берилиши транскрипция ва транслитерациянинг аралашиб кетганидан далолат беради. Тўғри транскрипцияси "Ньютон" ва тўғри транслитерацияси "Невтон" бўлиши зарур (бу исм 18 асрда рус тилида худди шундай берилган). Шунингдек, "Spree" сўзининг ўзбекча ва русча вариантларини ҳам кўриш мумкин, сўзнинг бошида ундош товуш транскрипция қилиниб, охириги унли эса транслитерация қилинган Шпрее шаклида. Фонема ярусидаги таржима бошқа таржима турларидан тубдан фарқ қилади, чунки фонемалар маънога эга эмасдир. Шунинг учун ҳам бу таржима тури амалиётда жуда кам қўлланилади, асосан улар атоқли отлар ва географик номларни бир тилдан иккинчи тилга беришда ишлатилади. Лекин истесно ҳолатлар ҳам мавжуд. Масалан, немисча Ludwig, Otto ва инглизча William, James номлари рус тилидаги транскрипцияда Людвиг, Отто, Вилгелм (Уильям) Джеймс шаклида ўқилса, киро́л ва кайзе́рларни исми сифатида ишлатилганда Людо́вик, Отто́н, Вилья́м, Яков Стюа́рт (Ludwig XIV., Otto1. .. Wilhelm the Conquerer, James Stuart) каби ўқилади.

19 асрнинг машхур шоири Heinrich Heine рус тилида Генрих Гейне шаклида транскрипция қилинган, лекин айрим манбаларда Хайнрих Хайне шаклида қўлланилгангини ҳам кўришимиз мумкин.

Айрим сиёсий ва маданий реалияларни таржима қилишда баъзи ўзига хос ҳолатларни учратиш мумкин.

Маслан, shop steward –шоп стюард, office - оффис, speaker (im Unterhaus) -спикер, song -зонг, Bundeswehr - бундесвер, Kanzler -канцлер сўзлари аллақачон рус ва ўзбек тиллари луғат таркибига кириб келган ва ўзлаштирилган.

Матн таржимасидаги морфема яруси. Айрим ҳолларда морфема таржима бирлиги сифатида ишлатилади, ҳар бир таржима тилдаги сўзга аниқ морфема таржима қилинаётган тилда мос келади, Масалан: Tische - столы-столлар сўзига таржима тилдаги стол ўзаги ва кўшлик шакллари «ы» ва "лар" мос келмоқда. Худди шундай морфемаларнинг мос келишини қуйидаги инглизча сўз орқали ҳам акс эттиши мумкин. Масалан, backbencher немис тилига Hinterbänkler рус тилига заднескамеечник шаклида таржима қилинса, уларни қуйидаги кўринишда акс эттириш мумкин.

Back - benck - er, Hinter - bänk - ler, заднее - скамееч -ник

Худди шундай таржимани морфема ярусидаги таржима деб қараш мумкин. Бундай таржима фонема ва графема ярусидаги таржимага нисбатан жуда кам учрайди, чунки, семантик эквивалент бўлган сўзлар, айниқса грамматик морфемалар турли тилларда турлича бўлади.



Матн таржимасидаги лексик ярус. Лексик бирликлар таржима бирлиги сифатида энг кўп учрайдиган восита ҳисобланади. Қуйидаги сўзларни лексик бирлик сифатидага таржима манбаи эканлигини мисоллар ёрдамида кўрсатиб ўтамыз.

Он пришел назад - He came back - Er kam zurück - У қайтиб келди;

Мой брат живёт в Москве - My brother lives in Moscow - Mein Bruder lebt in Moskau - Менинг акам Москвада яшайди.

Кто сказал вам это? Who told you that? - Wer sagte Ihnen das? - Сизга буни ким айтди?

Бу мисолларда таржиманинг лексик бирлик ярусидagi мос келиш ҳолатларни кўришимиз мумкин. Таржима бирлиги сифатида бу мисолларда сўзлар иштирок этмоқда, морфема ёки фонемалар эса бу хил таржимада муҳим восита эмас. Агар биз таржима бирликлари ҳақида гапирадиган бўлсак, албатта, (Einheiten der Ausgangssprache) таржима тилининг бирликлар юзасидан фикр юритишимиз зарур, битта сўз ва иборага бир неча сўзлар ва иборалар ҳам мос келиши мумкин.

Jane und ihre Mutter verhandeln sie irgendwie von oben herab.

Джейн и её мать относиться к ней свысока.

Жейн ва унинг онаси унга юқоридан қарайдилар.

Рус тилидаги "свысока" сўзига немис тилида "von oben herab" сўз бирикмаси мос келади. Сўз ярусидagi таржима (сўзма-сўз таржима) фонема ва морфема ярусидagi таржимага нисбатан кўпроқ кўлланилади, лекин ишлатилишини юзасидан улар ҳам чегараланган. Айрим ҳолларда гапларнинг баъзи қисмлари сўз бирикмалари шаклида таржима қилинади.

Жуда кам ҳолларда гаплар сўзма-сўз таржима қилинади.

Сўз бирикмаси ярусидagi таржима, бу турдаги таржимага идиоматик сўз бирикмалар ёки фразеологик бирликларнинг барча турлари киради. Уларнинг маънолари айрим компонентларининг маъноларидан келиб чиқмайди, балки кўчма маънога асосланади, демак бундай сўз бирикмаларини сўзма-сўз таржима қилиш мумкин эмас, Масалан, Feuer fangen - загораться - ёнмоқ, чакнамоқ, an die falsche Adresse geraten - чучварани хом санамоқ, aus der Schule plaudern - сирни ошкор қили қўймоқ шаклидаги турғун сўз бирикмаларини сўзма-сўз таржима қилиш айрим ҳоллардагина мумкин, қачонки иккала тилдаги сўз бирикмасининг "ички шакли" қандайдир сабабга кўра мос келса, мисол учун, da liegt der Hund begraben - русча вот где собака зарыто.

Сўз бирикмаси ярусидagi таржимада эркин сўз бирикмалари ҳам иштирок этиши мумкин. Масалан: sich verspäten -кечикмоқ, sich anziehen-кийинмоқ.



Сўз бирикмаси ярусидagi таржима кенг тарқалган таржималардан ҳисобланади. Аввал айтиб ўтганимиздек, айрим сўзлар ва сўз бирикмалари сўзма-сўз, айримлари сўз бирикмаси шаклида таржима қилинади.

Буни қуйидаги мисолдан ҳам кўришимиз мумкин:

Der Erdball ist ein Teil des Sonnensystems.

Земной шар входит в солнечную систему.

Ер шари қуёш системасининг бир қисмидир.

Немис тилидан русча ва ўзбекчага таржима қилинганда қуйидаги муқобилликларни кузатиш мумкин.

der Erdball - земной шар - ер шари

ein Teil des-Sonnensystems - часть солнечной системы - қуёш системасининг бир қисми.

Матн таржимасидаги гап яруси. Таржимада шундай ҳоллар ҳам учрайдики айрим сўз бирикмалари таржимада бирлик сифатида қўлланиши мумкин эмас, балки гап таржиманинг асосий бирлиги ҳисобланади. Бундай таржимага турғун сўз бирикмаларини ташкил қилган идиоматик маънога эга гаплар қиради, чунки уларнинг маъно компонентлари луғавий маъносидан келиб чиқмайди, аксинча маъно кўчма метафорик ёки метаномик маънога асосланади.

Масалан: Viele Köche verderben den Brei - У семи нянек дитя без глаз - Қўйчувон кўп бўлса кўй харом ўлади.

Бу мисолларда шуни кўришимиз мумкинки, таржима бирлиги сифатида бутун гап ифодаланипти. Бу гаплардаги лексик бирликлар ёки сўз бирикмалари семантик маъноси кўчма маънога мос эквивалент таржима қилинаётган тилда берилади. Турғун сўз бирикмаларига қирган ҳар хил нутқ формулалари канотли сўзлар, афоризмлар, маталлар худди шу шаклда таржима қилинади. Масалан:

Herzlichen Glückwunsch zum Greburtstag.

Туғилган кунингиз билан табриклаймиз.

Ziehen - эшикни ўзига тортмоқ - К себе

Drücken - эшикни ичкарига тортмоқ - От себя

Мисоллардан кўриниб турибдики, айрим тиллардан сўзлар, сўз бирикмалари таржима қилинаётган тилда гап шаклида ёки аксинча бўлиши ҳам мумкин. Бунда асосан гапларнинг структураси эмас, балки, уларнинг эквивалентини топиш муҳим роль ўйнайди.

ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ғ.Саломов. Таржима назариясига кириш. Тошкент, "Ўқитувчи", 1998.



2. Ғ.Саломов Тил ва таржима (Бадиий таржиманинг умумфилологик ва баъзи

лингвистик масалалари). Тошкент, "Фан", 1996 йил.

3. Е.Гончарева, И. Шишкина. Интерпретация текста. Учебное пособие по

немецкому языку. М. Высшая школа, 2005.

4. E. Riesel. Der Stil der deutschen Alltagsrede. Lpz.,1970.